



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 28 - yanvar

876 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Гаданиёзов Рустам Ражабовични вояга етмаган невараси 2017 йил 21 ноябрда туғилган Рустамова Аминахон Комилжон қизига нисбатан васий этиб тайинлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги Қонунининг 10, 42-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 22 сентябрдаги 269-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги низомнинг 9, 63, 66 ва 67-бандларига мувофиқ

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Васийлик ва ҳомийлик” комиссиясининг 2021 йил 22 январдаги хулосаси инобатга олинсин.
2. Боғот тумани “Хуррият” маҳалласида яшовчи фуқаро 1967 йил 1 январда туғилган Гаданиёзов Рустам Ражабовични вояга етмаган невараси 2017 йил 21 ноябрда туғилган Рустамова Аминахон Комилжон қизига нисбатан васий этиб тайинлансин.
3. Туман халқ таълими бўлими мудири Т.Мирзаевга:
 - Мазкур қарорни бир кун муддатда аризагўйга (тайинланган васийга) юбориш таъминлансин.
 - Васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилишини ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.
 - Васийликка олинаётган шахс ҳақидаги тўлиқ маълумотлар белгиланган муддатда давлат реестрига киритиш учун туман ҳокимлигига тақдим этилсин.
4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокими ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими
вазифасини бажарувчи

Ш.Яхшибаев